

Бисмиллоҳир роҳманир роҳим, Ассалому алайкум муҳтарам Президент жаноби олийлари Ҳазратимизнинг қўлдан келган бир гуруҳ фитначиларнинг жиноятлари ила ўрта Осиё гавҳари - Фарғона водийсида, ҳусусан, Андижонда амалга оширилган мамлакат ва халққа қарши содир этилган қўғилсиз воқеалардан боҳабар бўлиб, изтиробга тушдик.

Аллоҳнинг қаломидан - Қуръоннинг қаломидан: «Фитна - қотилликдан ёмонроқ жиноятдир», дейилган. Бу муҳим кимсалар ҳам фитнага, ҳам қотилликка қўл урди.

Андижон халқи ҳеч қайси замонларда фитнага аралашмаган. Ҳеч шубҳа йўқки, ушбу ҳатти-ҳаракатга аралашиб қолганлар мамлакат душманларининг ташқарида туриб қилган алдовлари ҳамда бебурд ваддаларига учганлар.

Ўзбек миллатимиз бошига синов тушганида ўз йўлбошчилари атрофида жипслашиб, ҳар қандай мушкулоти Аллоҳнинг ёрдами ила ҳал этиб келган. Яратган Парвардигоримиздан сўраймиш, муҳтарам юртдошларимизни давлат қиламизки, бу сафар ҳам Сиз - жаноби олийларнинг атрофинида жипслашиб, шум ниятли кишиларнинг мақсадларини амалга оширишга асло йўл қўйилмағай, иншооллоҳ.

Аллоҳ Ҳақ субҳаноҳу таолодан гўзал Ватанимиз - Ўзбекистонни ёмон кўзлардан, турли хил офатлар, бало-ю қулфатлардан ўз паноҳида асрашини сўраб қоламиз.

Сиз муҳтарамга, Президент жаноби олийлари, барча эзгу амалларинида Яратгандан мадад бериб туришини илтижо қиламиз.

Эҳтиром ила, Саудия Арабистонлик ўзбек ватандошлари номидан:

Сафохон Ибн Жалолхон Тўра МАРФИЛОНИЙ, Тўрақон Аъзамхон Ибн Жалолхон МАРФИЛОНИЙ, Мелибек Исҳоқбек ТОШКАНДИЙ, Хуршидбек Олимбек ТОШКАНДИЙ, Абдурахмон Ҳўжа ТУРКИСТОНИЙ ва бошқалар

Маккам муқаррама шахри, 2005 мелодий йили, 16 май

ИШОНСН

ЎЗБЕКИСТОН ҚАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2005 йил 24 июн, жума № 99 (1940)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмади

ДЕҲҚОН - ЎЗ СЎЗИНИНГ ЭГАСИ

Президентимизнинг вилоятимизга ҳар галги ташрифи биз - қадокқўл деҳқонлар кучига кўч қўшиб, янги марралар сари руҳлантиради. Чунки дала бошида Президент билан дилдан сўхбат қуриш, қишлоқдаги ҳаёт, орзу-интилошларимиз ҳақидаги фикр-мулоҳазалар ҳар биримиз учун қанчалар қадри, унутилмасдир. Сўхбат чоғида давлатимиз раҳбари оддий кишиларнинг ҳаётини нақадар яхши билиши, ноз-неъмат бунёдкорларига ҳеч қимдан кам бўлмаган турмуш тарзини яратиб бериш учун қайғураётганлигини қалбдан ҳис қилдик.

Президентимиз ўтган йили ҳам бизнинг хўжалиқда бўлган эди. Ушанда ерни эъзозлаш, ички имкониятларни ишга солиш, шароитга мос, синовдан ўтган уруғ навларидан фойдаланиш ҳақида алоҳида гап борганди. Ислоҳ Абдуганиевич айниқса сувчи, механикатор, пудратчиларни ўзига яқин олиб, кўнглини кўтарди, тегишли йўл-йўриқ, маслаҳатлар берди. Қайфиятимиз қанчалар кўтаришганини билсангиз эди. Деҳқон қайфияти чоғ, эртанги кунга ишончи мустаҳкам бўлса, катта донларни эгаллаши мумкинлигига боварча ишонч ҳосил қилди. Ҳар гектар ердан 70 центнердан дон йиғиштириб олдик. Қўлимиз пул қўрди, омборимиз донга тўлди.

Бу йилги учрашув янада ҳаяжонли бўлди. Ганни нимадан бошлашни билмай турганимизда, Юртбошининг фойдаланиш самими, расмиятчиликдан ҳоли муомаласи қулфи дилимизни очиб юборди. Пудратчиларимиз билан қишлоқдаги бугунги ҳаёт ҳақида батафсил фикрлашдик. Бундай унутилмас онлар фақат бахтли инсонларгагина насиб этади.

Дала кезарканман «ерни ҳақиқий эгасига - ишга меҳр қўйган, деҳқончилик илмининг сир-синоатини яхши биладиган фойдасиз инсонларга топшириш керак» деган пурҳикмат сўзлар мағзини чакандек бўлман. Бунинг пудратчиларимиз ҳаёти мисолида ҳам кўриш мумкин. Ёш, тажрибали мутахассис Камолдин Расулов раҳбарлик қилаётган хўжалигимиз меҳнат аҳли ишлаб чиқаришининг ҳамма тармоқларида юқори кўрсаткичларга эришмоқда. 8 гектар галла майдонининг ҳар гектаридан 60 центнердан ҳосил йиғиштириб олинди. Ҳўзалар ҳам барқ уриб ривожланиб, ҳосил нишонларини кўпайтириб бормоқда. Ният қамда 40 центнердан хирмон кўтариш. Бултур 300 миллион сўм соф фойда олинган эди. Жорий йилда бу кўрсаткич 450 миллион сўмдан кам бўлмайди.

Туманимиз воҳа деҳқончилигининг ҳақиқий тажриба мактабига айланган. Ҳар йили давлатга 45 минг тонна дон, 53 минг тонна атрофида пахта топши-

рилиб, мўмай даромад олинмоқда. Бунинг шарофати ила қишлоқлар сифатли ичимлик суви ва табиий газ билан таъминланди. 14 та қишлоқ врачлик пункти, маҳалла гузарлари, аҳоли учун турар-жойлар бунёд этилди. Марказий ўйингоҳ замонавий тарзда таъмирланди. Қувончлиси шуки, хўжалиқларда болалар спорт мажмуалари қад ростлади.

Одамларимиз фермерлик кони фойда эканлигини тушуниб етдилар. Ҳозирги кунда 14 мингга яқин фермер, бир ярим мингдан зиёд деҳқон хўжалиги фаолият юритмоқда. Қадокқўл деҳқонлар Президентимизнинг «Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди» деб номланган китобида баён этилган йўлни, хулосаларни яқин кўлаб-қуватлайдилар. Хўжалигимизда бўлиб, одамларимиздаги шижоат, меҳнат ирода, мақсад сари дадил интилиши кўрсангиз, мустақиллик йилларидаги бунёдкорлик ишларидан боҳабар бўсангиз, бундай халқни асло енгиб бўлмаганига қайта-қайта ишонч ҳосил қиласиз.

Президентимизнинг Қашқадарёга сафари қўнғул қолди. Қасби тумани миришкорлари мамлакатда биринчилар қаторида давлатга дон сотиш шартнома режасини бажардилар. Қабул пунктларига белгиланганидан кўп - 29 минг тонна сара дон етказиб берилди. Гектар ҳосилдорлиги 60 центнерни ташкил этди.

Йиллик режа 18 иш кунинда удаланди. Меҳнатни ташкил этиш ва рағбатлантириш яхши йўлга қўйилганлиги, галлакорлар ўртасида маданий-маиший шароит кўнғилдадек эканлиги ютуқлар омилидир. Галла ўрми илғорлари ҳар беш қўнда моддий ва маънавий жиҳатдан рағбатлантирилиб борилади.

Тумандаги Алишер Навоий номи, Темир Малик номи, Сайдо Насофий номи ҳамда «Қашқадарё» ширкат хўжалиқларининг азамат деҳқонлари ҳосилдорлики гектарига 62 центнердан оширдилар. Унлаб фермер хўжалиқлари эса ҳатто 80 центнерлик маррани эгаллашди. Бу ютуқларимиз Ўзбекистон Мустақиллигининг 14 йиллигига муносиб армуғондир.

Парда ҲАСАНОВ,
Қарши туманидаги «Бешкент» ширкат хўжалиги пудратчиси



Қувасой шаҳар ширкат ва фермер хўжалиқларида галла ўрми ҳал қилувчи паллага кирди. Х.Олимжон, Б.Сулаймонов номидаги ширкат хўжалиқларидан кейин Арсиф ширкатда ҳам 2005 йил давлатга дон сотиш шартнома-режаси ошириб бажарилди. Арсифликлар давлат омборларига 322 тонна қиримиз дон топширдилар. Етмиш нафар ижарачиларнинг фидокорона меҳнати авазига ҳосилдорлик гектаридан режадаги 38 центнер ўрнига 55-60 центнерданга тўғри келмоқда.

«Беҳизор» ширкат хўжалигида ҳам 70 нафар ижарачилар 376 гектар майдонда мўл дон етиштирдилар. Суфон бўлимидаги ижарачилардан Маълудан Мамаюсупова, Дилшодхон Фозилова ҳосилдорлики гектар бошига 65 центнердан оширдилар.

Суратда: (сўндан) Суфон бўлими иш бошқарувчиси Эргашали Усмонов, иш юритувчи Илҳомилла Қосимов ва ота-бола ижарачилар Аҳмаджон ва Мамаюсупова Маълудовлар деҳқончилик натижаларини сарҳисоб қилмоқдалар.

Ш.ОЛИМОВ
(ЎЗА) олган сурат

Фармонни ўқиб

ИСЛОҲОТЛАРНИ ЯНГИ БОСҚИЧГА КЎТАРИШНИНГ МУСТАҲКАМ ЗАМИНИ

Мамлакатимизда бозор муносабатларига ўтишдаги ўзига ҳослик ислохотларни босқичма-босқич ва изчиллик билан амалга оширишда намоён бўлади. Йўлбошчимиз Ислоҳ Қаримов томонидан ишлаб чиқилган ва ҳақли равишда «Ўзбек модели» сифатида эътироф этилган бозор иқтисодиётига ўтишнинг машҳур беш тамойилига қатъий риоя этилиши мамлакатимизда ислохотларни сифат жиҳатдан янги босқичга кўтаришда мустаҳкам замин бўлмоқда.

Иқтисодиётнинг мафзуридан ҳоли бўлиши, давлатнинг беш ислохотчилиги, қонуни устуворлиги, қўли иқтисодий сийosat ҳамда бозорга босқичма-босқич ўтиш тамойилларининг нечоғли ҳаётийлиги амалда ўз тасдиқини топмоқда.

Президентимизнинг яқинда эълон қилинган «Бозор ислохотларини чуқурлаштириш ва иқтисодиётини янада эркинлаштириш соҳасидаги устувор йўналишлар амалга оширилишини жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғри-

сида»ги, «Тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, «Микрофирмалар ва кичик корхоналарни ривожлантиришни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармонлари ҳамда «Тадбиркорлик субъектлари томонидан тақдим этиладиган хисобот тизимини такомиллаштириш ва уни қонуний талаб этганини учун жавобгарлиқни қучайтириш тўғрисида»ги қарори юртимизда иқтисодиётнинг эркинлашуви ҳамда кичик бизнес ва ҳусусий тадбиркорликнинг янада қанчоқ қулоқ ёйишида муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилди.

Ўзбекистон Республикаси меҳнат ва аҳолини иқтисодий муҳофазат қилиш вазири Оқилхон ОБИДОВ ЎЗА муҳбирига юқорида зикр этилган ҳужжатларнинг амалий аҳамияти юзасидан қуйидагиларни сўзлаб-берди:

(Давоми 2-бетда)

ХОРИЖ УСКУНАЛАРИ ЎРНАТИЛДИ

Қорақалпоғистон Республикасининг Шуманай тумани аҳолиси телевидение кўрсатувларини ўзлашувчи ва сифатли томоша қиладиган бўлди. Тумандаги мавжуд телерадио станциясига Япониянинг NEG ва АКШнинг HAPPIIS фирмаларида ишлаб

чиқарилган тўлқин тарқатувчи янги жиҳозлар ўрнатилди.

Эндиликда туман аҳолиси Ўзбекистон телевидениеси ва радиоси орқали берилаётган барча кўрсатув ҳамда эшиттирилган баҳраманд бўлиш

имконига эга, - дейди станция бошлиғи Холмурод Примбетов. - Ускуналарни ўрнатишда нуқуллик мутахассисларга япониялик муҳандислар яқиндан кўмак берди.

Шу кунларда станцияни Интернет тармоғига улаш, уяли телефон алоқасини йўлга қўйиш режалаштирилмоқда.

Тошгузар-Бойсун-Қумқўрғон темирйўл қурилиши давом этади

ПЎЛАТ ИЗЛАР ДЕҲҚОНОБОДГА ОЛИБ БОРАДИ

Бу ишларга 120 нафар ишчи ва 46 та ҳар хил техникалар жалб қилинган. Дала шароитида ишчиларга яшилган шарт-шароитлар яратилган. Вагонларда оғуш, бепул уч маҳал иссиқ овқат, махсус кийим бош, кўча тиббиёт хизмати йўлга қўйилган. Иш иқтисодиёти аҳолини яхши-лашга сабаб бўлди.

Айни вақтда республиканинг турли жойларидан ташриф бурган йирик ташкилотлар Бойсундан Деҳқонободга қараб ер ва тупроқ ишлари ҳамда сўний иншоотлар қурилишини амалга оширишмоқда. Ҳусусан, Янгибод йўлидан мунтазам фойдаланиш бошқармаси жамоаси Бойсун-Дарбанд участкасида ишлашмоқда. Жорий йилнинг июн ойини ўзига маъруз жамоа аъзолари томонидан 1 миллиард 390 минг сўмлик қурилиш-монтаж ишлари бажарилди.

ма қўмитаси томонидан Оқилхон бепул иссиқ овқат билан таъминлаш учун 14 миллион 600 минг сўмлик маблағ сарфланди. Ишчилар хонадонининг газ тўловлари учун корхона ҳисобидан 2 миллион сўм маблағ тўлаиб, 6 миллион 940 минг сўмлик махсус кийим-бош тарқатилган. 60 нафар ходимлар фарзандлари ёғи оромгоҳларда дам олдирилиши режалаштирилди.

Бойсундаги ибратли ишчилардан аса бири Хонгаронсой сел суварини йиғувчи сув омбори қурилишидир. Уни энг нуфузли ташкилотлардан бири «Тўла-лангсуйт ГЭС қурилиш» масъулияти қелканган жамияти ўз зиммасига олди. Мазкур иншоот фойдаланишга топширилган, бу ерда 7 миллион 600 минг метр куб сув сақланади. 2 минг гектарга яқин янги сувли ерлар ташкил этилади.

А.РАҲМОНОВ,
«Ишонч» муҳбири

ТАЛАБА КОЛЛЕЖНИ ТУГАЛЛАЯПТИ

ёш мутахассислар ўз касби бўйича фаолият юритиши учун шароит етарлими?

Давлатимиз раҳбари Оқсарой қароргоҳида ҳукумат янги таркиби билан учрашувдаги маърузасида Қадарлар тайёрлаш Миллий дастури янги алоҳида тўхтади. Қайд этилишича, умумтаълим мактаплари, академик лицей ва коллежалар бюджет маблағларининг қарийб 50 фоизи сарфланапти. Қўринадикки, фарзандларимиз таълим-тарбияси, улар ҳаётда ўз ўринларини, ўз бахтларини топишлари учун ҳукуматимиз томонидан бекиёс меҳрибонлик кўрсатилмоқда.

Ҳадемай коллежаларни қўллаб йиғит ва қизлар битириб, ҳаётга йўланма оладилар. Табиий савол турғилади: хўш, улари корхона, ташкилотлар мутахассислари қандай қарши оладилар? Ёш мутахассислар ўз касблари бўйича ишлашлари учун шароит яратилганми? Шу саволга жавоб олиш мақсадида Қўрғонтепа енгил санаят касб-хўнар коллежи фаолияти билан яқиндан танишдик. Илм мактабидан ҳаёт қайнади. Аниқса, битирувчи ёшларнинг ҳаяжони, ҳаракати ўзгача.

Уларни асосан кутубхонадан, фан кабинетларидан топасиз. Коллежининг моддий-техника ўқув базасига ҳавас қилиш мумкин. Барча хоналар замонавий жиҳозлар, ўқув қўлланмалари билан тўла таъминланган. Бундан ташқари, 28 гектар ердаги тажриба майдони талабалар ўз билимларини амалиётда қўллаш, касб сирларини пухта эгаллашларига муҳим аҳамият касб этмоқда.

Енгил санаят коллежининг айнан Қўрғонтепа туманида очилганига бежиз эмас. Бу ерда «Само», «Ан-нур», пай-

поқ тўқув фабрикаси, туманга чегаралов Ойим, Ерқишлоқ қишлоқларидаги «Бунёд», «Тикувчи» каби корхоналар, пахта тозалаш заводи мавжуд. Шуни ҳисобга олиб коллеж битирувчиларини ана шу корхоналарга жойлаштириш режалаштирилган. Белгиланган тадбирларга кўра тикувчилик ва тўқувчилик йўналишида иккита бўлим очилиб, 151 нафар талаба ўқитила бошланди. Ҳадемай кўпгина ёш мутахассислар учирма бўлиш арафасида.

Бозор талаба қатъий. Омилкор, ташкилотчи, ўз соҳасининг чинакам усталари бўлган кишиларгина муаммоларни муваффақиятли ҳал этиб, ишлаб чиқаришни давр талаба даражасида ривожлантира оладилар. Ниманидир кутган, бозор шароитида ишлашга ўзини тайёрлай олмаган раҳбар мутахассислар эса, имкониятни бой бериб, корхоналар, кичик цехлар қийин

қаратиш зарурлиги уқтирилган. Туманлардаги меҳнат биржалари, меҳнат, аҳолини иш билан таъминлаш ва ижтимоий ҳимоялаш бўлими билан бамаълоҳат фаолият юритиб, қавталган иш ўринлари аниқланганидан кейин вилоят бошқармаси қабул тадбирларига киришса, мавжуд шароит ва имкониятларни аниқ ҳисобга олса, мақсада мувофиқ бўлади.

Ёшларимиз ҳам анойи эмас, улар қайси касбга эҳтиёж катта эканлигини яхши англашяпти. Шундай бўлса-да, улар ўртасида кенг тушунириш ишларини олиб бориш кераклигини ҳаёт кўрсатмоқда. Масалан, туманларда тикувчилик, тўқувчилик йўналишида улаб кичик корхоналар, цехлар, оилавий тадбиркорлик субъектлари ишга тушяпти. Меҳнат ярмаркаларида янги иш ўринлари яратилмоқда. Худди шу нарса, англиклар ёшларга ишончи тарзда ет-

казилганда қайд этилган коллежга талаба қабул қилиш режаси 2003 йилда 60 кишига, 2004 йилда эса 34 кишига кам бажарилмаган бўларди.

Енгил санаят касб-хўнар коллежлари Уставига кўра талабаларнинг амалиёт шартномалар асосида корхона, муассасалар, ташкилотларда амалга оширилади. Директор ўринбосари Минавархон Ўринбоевнинг таъкидлашича, ҳозирги кунда 50 нафар талаба амалиёт ишлари билан банд экан. Ҳуқуқатга кўз югуртирамиз. «Само» корхонасида 17 нафар, пахта тозалаш корхонасида 5, маиший хизмат тизимида 28 талаба тажриба ошираётди. Касб ўрганиш жараёни билан танишиш мақсадида пахта тозалаш заводида бўлиб. Бўлим бошлиғи Эркин Рўзиев талабалар амалиёт бўйича илм мактаби ва заво мазмурияти ўртасида шартнома имзоланганини таъкидлади. Бироқ, талабалар

Муаммо ва ечим

қайси цехларга бириктирилганлиги, улар қандай фаолият юритишга қўйилганини айтиб беролмади...

Қўрғонтепа шаҳар марказидаги «Люкс» хусусий фирмасига қарашли тикув цехида миз. Ингиримага яқин шаҳарлик қизлар берилиб ишлашга оқиб экан. Лекин, улар орасида биронта коллеж талабаси йўқ эди. Уста Гулнора Нуриддинова бўлажак мутахассислар ахён-ахёнда бир қўри-ниб қўйишга қўйилганини таъкидлади. Бу аҳволда қандай қилиб касбини пухта ўзлаштириб олиш мумкин.

Жорий йилда 195 талаба коллежни битиради. Таажубки, битирувчиларни ишга жойлаштириш бўйича бор-йўғи 5та ишлаб чиқариш корхонаси билан шартнома имзоланган. Энди мулоҳаза қилиб кўриниб, атиги 29 нафар ёш мутахассис ишга жойлаштирилган бўлса, қолган 166 нафар каврга боради? Чамаси бу ўта муҳим масалага чуқур ёндашилмайпти. Ахир юқорида таъкидланганидек, жойларда қанчадан-қанча кичик цехлар, қайта ишлаш корхоналари ишга тушмоқда.

С.РЎЗИМАТОВ,
«Ишонч» муҳбири

Жамиятдаги ўзгаришлар касба уюшмаларининг иш услубига ҳам таъсир қилмайди. Кейинги йилларда фаолият мезонлари тубдан ўзгарди. Ижтимоий шерикчилик тамойиллари янгиланди. Жамоа шартномалари асосида иш юритиш фаолиятининг негизини ташкил этмоқда. Бу борадаги вазифаларнинг моҳияти ва меҳнаткашлар олдидаги масъулиятини чуқур англаб фаолият юритаётган касба уюшмалари жуда кўп. Жойларда меҳнаткашларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатларини, ҳуқуқларини ҳимоя қилиш коникари даражада ташкил этилган.

Айниқса, бошланғич ташкилотларнинг фаолиятини жонлантириш, мавқеини кўтариш бугунги кунда жиддий масала бўлиб турибди. Хусусан, агросаноат тизимидаги қорхона ва ҳўжаликларда касба уюшма ташкилотларининг фаолиятини тирофчила тахлил қилиш алоҳида аҳамиятга эга. Очигини айтганда, ширкат ҳўжаликларидаги молиявий-иқтисодий аҳвол касба уюшма бошланғич ташкилотлари фаолиятига тўғридан-тўғри салбий таъсир қилапти. Ижтимоий суғурта бадалларини тўлаш давлат мажбурий тўловларига тенглаштирилгани аҳолини биров яхшилади. Лекин ҳўжалик аъзоларига иш ҳақлари нақд пул тарзида ўз вақтида берилмаётгани ёки маҳсулот шаклида узилаётгани касба уюшма аъзолари бадалларининг йиғилишига тўсқинлик қилапти. Натижада бошланғич ташкилот етакчиси ва ходимлари маошисини қилишмоқда. Манфаатдорлик даражаси эса ишга муносабатни белгилайди. Оқибатда ўзининг ва меҳнаткашларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қила олмайётган, қонуний ҳақини талаб қилиб ололмаётган етакчиларимиз иш берувчига қарам бўлиб қолимоқда.

Мана шундай омилларнинг таъсирида айрим касба уюшма етакчилари номигагина ишлаяпти. Жамоа шартномалари, меҳнат муҳофазасига оид битим йилдан йилга жузъий ўзгаришлар билан кўчириб қўйилаверади. Мажлислар юзаси ўтказилиб, қарорлар ёзилади. Буларнинг ижроси, фаолият натижаси ҳам шунга яраша.

Баъзи мисолларга эътибор беринг. Каттақўрғон туманидаги М.Султонов номидаги ширкат ҳўжалиги раҳбарлари ва касбақўм фаоллари жамоа шартномасига рақамлар ва кўрсаткичларни тўлиқ ёзишга ҳам ҳафса қилишмабди. Меҳнат муҳофазасига оид битимнинг лойиҳасига ишлаб чиқилган. Холбуки, йилнинг ярми ортда қолди.

Шу тумандаги «Пахтакор» ширкат ҳўжалигига келганимизда, идорада ҳеч қим йўқ экан. Касба уюшма кўмирасининг ҳолати очик, Ажаб-ки, хона бугунги кун талаб даражасида жиҳозланмаган. Касба уюшмалари фаолиятини акс эттирувчи, ифодаловчи кўргазмалар йўқ. Касбақўм раиси Х.Қосимовани жуда кўп кўтишимизга тўғри келди. У кишидан эса асло дарак бўлмади. Галла ўрим-йиғим мавсумида комбайнлардан би-

лар билан кўчириб қўйилаверади. Мажлислар юзаси ўтказилиб, қарорлар ёзилади. Буларнинг ижроси, фаолият натижаси ҳам шунга яраша.

Баъзи мисолларга эътибор беринг. Каттақўрғон туманидаги М.Султонов номидаги ширкат ҳўжалиги раҳбарлари ва касбақўм фаоллари жамоа шартномасига рақамлар ва кўрсаткичларни тўлиқ ёзишга ҳам ҳафса қилишмабди. Меҳнат муҳофазасига оид битимнинг лойиҳасига ишлаб чиқилган. Холбуки, йилнинг ярми ортда қолди.

МЕХНАТКАШ ОЛДИДАГИ МАСЪУЛИЯТ

Шу тумандаги «Пахтакор» ширкат ҳўжалигига келганимизда, идорада ҳеч қим йўқ экан. Касба уюшма кўмирасининг ҳолати очик, Ажаб-ки, хона бугунги кун талаб даражасида жиҳозланмаган. Касба уюшмалари фаолиятини акс эттирувчи, ифодаловчи кўргазмалар йўқ. Касбақўм раиси Х.Қосимовани жуда кўп кўтишимизга тўғри келди. У кишидан эса асло дарак бўлмади. Галла ўрим-йиғим мавсумида комбайнлардан би-

Долзарб мавзу

нинг ишини доимий назорат қилиш учун вақил сифатида бирктирилганлиги учун дашта кетган экан. Қачон келиши номаълум дейишди. Шу орада туман агросаноат мажмуи ҳодимлари касба уюшма кенгаши йўриқчиси А.Орипов билан ҳўжалик касбақўмининг иш ҳужжатларини кўздан кечиридик. Мана, олдимизда касба уюшма кўмитаси раёсатининг 2004 йилдаги мажлисларининг баённомалари. Шу таҳлилда мавжуд баённомаларнинг барчасидан кўринишича, раёсатда

кенгаши томонидан қўйи ташкилотларнинг ишини жонлантириш, мавқеини ошириш учун барча чора-қарор кўриляпти. Лекин ижобий ўзгаришлар суств бора-япти. Бунинг объектив ва субъектив сабаблари бор, дейди туман тармоқ кўмитаси йўриқчиси. — Объектив жиҳати тармоқдаги умумий аҳволга боғлиқ. Субъектив сабаби иш берувчи ва касба уюшма етакчисининг ишга ҳамда ўзаро муносабатлари билан изоҳланади. Касба уюшма етакчиси қанчалик интильмасин, иш берувчи ўз мажбуриятини бажармай, тўсқинлик қилавериши мумкин. Битта мисол. Ҳар йили болалар оромгоҳларини тайёрлаш ва мавсумни ўтказиш касба уюшмалари учун жиддий масала бўлиб қолаверарди. Бу йил ҳукумати миз қарорига мувофиқ жойларда ҳокимликлар оромгоҳларини мавсумга тайёрлаш бўйича кенг қўламли амалий ишларни бажариб беришди. Бунақа эътибор яқин вақтларда бўлган эмас. Демокримани, агар жойларда меҳнат қончилигини риоя қилинишининг аҳволи ҳам шу тариқа назоратга олинса, Президентимизнинг «Ислохотлар инсон учун» деган даъвати самараси янада яққолроқ намоён бўлур эди.

Халқимизда қарс икки қўлдан, деган гап бор. Ишни эплай олмаётган касба уюшма етакчиларини оқламоқчи эмасимиз. Аммо ишлаб чиқаришни ривожлантириш йўлида тер тўкаётган меҳнаткашларнинг манфаатларини рўёбга чиқариш иш берувчилар учун ҳам муҳимлигини унутмаслик керак, деб ўйлаймиз.

Р.ҚУРБОНОВ,
«Ишонч» мухбири

Фармонни ўқиб ИСЛОХОТЛАРНИ ЯНГИ БОСҚИЧГА КўТАРИШНИНГ МУСТАҲҚАМ ЗАМИНИ

(Боши 1-бетда)

Юртбошимиз Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузасида бозор ислохотларини чуқурлаштириш ҳамда иқтисодиётини янада эркинлаштириш масаласига устувор вазифалардан бири сифатида тўхталиб ўтди. Кунги кеча матбуотда эълон қилинган фармонлар ва қарор эса ана шу маърузада белгилаб берилган устувор вазифаларни ҳал этиш имконини яратди.

Иқтисодиётни эркинлаштириш ва тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоялаш иқтисодий ўсишининг узулқисиллигини таъминлаш ҳамда шунинг асосида аҳоли фаровонлигини оширишнинг муҳим шартини ҳисобланади. Президентимизнинг «Бозор ислохотларини чуқурлаштириш ва иқтисодиётни янада эркинлаштириш соҳасидаги устувор йўналишлар амалга оширилиши жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони бу борада навбатдаги салмоқли қадам бўлди.

Мазкур фармонда иқтисодиётни ривожлантиришга тўсиқ бўлиб турган омилларни чуқур таҳлил қилиш, тадбиркорлик субъектлари билан ишлашнинг аҳолини танқидий ўрганиш ва бу борадаги мавжуд қонун ва норматив ҳужжатларни ҳолис баҳолаш асосида янги қонунлар яратиш кўзда тутилади. Табиийки, бундай жараён мамлакатимизда тадбиркорликни изчил ривожлантиришни, бозор ислохотларини чуқурлаштириш ҳамда иқтисодиётни янада эркинлаштиришни таъминлайдиган инвестициявий муҳитни яхшилашга ёрдам беради.

Қабул қилиниши мўлжалланаётган қонун ҳужжатлари сирасига юртимизда солиқ тизимини янада ривожлантириш, унинг ошқоралигини таъминлаш, солиқ солишини соддалаштириш, фискал амаллар ва солиқ текширувларини такомиллаштириш борасидаги масалалар ҳам қиради.

Республикаимизда кредит муносабатлари тизимини ривожлантириш, мукамал ва самарали кредит-молия институтларини ташкил этиш ҳамда замо-

навий ахборот технологияларидан фойдаланган ҳолда тўлов операцияларини такомиллаштириш кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ривожланишига муҳим туртки беради.

Тадбиркорлик субъектлари томонидан ҳисобот ва ҳисоб-китоблар тизимини соддалаштириш, рўйхатга олиш ва рўхсат бериш тартибларини такомиллаштириш ортиқча қўғозбозликларга чек қўяди.

Давлат бошқарув органларининг ҳўжалик юритувчи ва тадбиркорлик субъектларининг фаолиятига аралашувчи, ҳўжалик юритиш фаолияти соҳасидаги қонунбузарлик учун жавобгарликнинг оширилиши тадбиркорлар ишига сунъий тўсиқ бўлаётган айрим текширишларга барҳам беради. Фармонга мувофиқ тадбиркорлик субъектлари жавобгарлик фақат суд орқалигина аниқланади.

Тадбиркорликни жадал ривожлантиришни таъминлайдиган иқтисодиётнинг қишлоқ ҳўжалик, машина-созлик, нефть-қаз тarmoқлари, банк тизими каби устувор соҳаларнинг ривожланиши пировард натижада, мамлакатимизда қўлай бизнес муҳитини юзага келтирилади.

Тадбиркорлик субъектларини шу тариқа қўллаб-қувватлаш аҳоли турмуш даражасининг янада ошишига, янги иш ўринлари ташкил этилишига ва фуқаролар даромадларининг кўпайишига ижобий таъсир кўрсатади.

Замоनावий бозор инфратузилмасини шакллантириш, майда товар ишлаб чиқарувчилар, қишлоқ тадбиркорлари томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотларни тайёрлаш ва сотишни кредитлаш ҳамда экспорт қилиш учун қўлай шароит яратиш вазифаси ҳам иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришни, ҳуқуқий базани янада такомиллаштиришни талаб этадиган муҳим йўналишидир.

Масалан, қабул қилиш кўзда тутилаётган «Киро-кредитлаш тўғрисида»ги қонун нафақат кичик тадбиркорларни кредит ресурслари билан таъминлаш, балки оилавий бизнес шаклида тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш истагида бўлган кам таъминланган оилаларнинг кредит ресурсларидан фойдаланиш, ушбу мақсадларга ресурсларни жалб қилишни кенгайтириш имко-

нини беради, кредитлашнинг банкдан ташқари тизимини ривожлантиришга хизмат қилади. Ушбу қонун бугунги кунда бозор инфратузилмаси секинлик билан ривожланаётган туманлар ва аҳоли пунктларида янги иш ўринларининг яратилишига ва ишчанлик қайтиштиришга ортинчи ёрдам беради.

«Тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармоннинг эълон қилиниши тадбиркорлар учун ҳуқуқий қўлай муҳитни таъминлаш ва мамлакат раҳбариятининг бизнесни юритиш учун имкон қадар қўлай шароит яратиш ҳамда тадбиркорлик фаолиятини эркинлигини кафолатлашга қаратилган қатъийтини тасдиқловчи муҳим ҳужжат бўлди.

Мазкур фармон давлат бошқаруви органларининг тадбиркорлик субъектлари фаолиятига ўзбошимчалик билан аралашувига чек қўяди. Бундан буён тадбиркорлик субъектларига ҳуқуқий таъсир ўтказиш чора-тадбирлари фақат суд орқали амалга оширилади, уларнинг молиявий-ҳўжалик фаолияти ҳам фақат солиқ органлари томонидан текширилади. Президентнинг мазкур фармонидан кўзда тутилган янги механизм ҳўжалик низоларини тадбиркорлик субъектлари ва бирлasmалари томонидан ташкил этиладиган ҳакамлар судлари орқали ҳал этиш тизимини яратиш билан боғлиқ. Бундай судларнинг ташкил этилиши ҳукуматнинг ҳўжалик юритувчи субъектлар ўртасидаги ўзаро муносабатларга аралашувини кескин қамайтиради.

Мухтасар айтганда, юқорида тилга олинган янги фармонлар ва қарор амалга таътиб этилиши кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик кўламини янада кенгайтириш, иқтисодиётни ушбу тармоқнинг янги ички маҳсулотдаги ҳиссасини 45 фоизга етказиш, айниқса, қишлоқ жойларида янги иш ўринларини ташкил этиш ва аҳолининг иш билан бандлигини таъминлаш учун лухта замин яратди.

ЎЗА МУХБИРИ
Норали ОЧИЛОВ
ёзиб олди

ШИРИН СўЗ ҲАМ ДАВО

161 мингдан ортиқ аҳолининг 70 фоизи овулларда яшаётган туманимизда тиббий хизматни яхшилаш чора-тадбирлари қўриляпти.

Фуқароларга 1 та марказий, 3 та қишлоқ касалхоналари, 2 та махсус диспансер, 13 та овул врачлик пункти, 6 та амбулатория хизмат кўрсатади. Яқинда А.Дурдиев номли ширкат ҳўжалигига лойиҳа қиймати 75,5 миллион сўмлик 50 катновга мўлжалланган КВП янгидан қуриб, фойдаланишга топширилди. Шўраҳон овулидаги амбулатория таъмирланди, врачлик пунктига айлантилди.

Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 25 августдаги қарорига асосан никоҳ ёшига етган 1766 нафар ўғил-қиз тиббий кўриқдан ўтказилиб, касаллиги аниқланганларини даволаш йўлга қўйилди. Зурриёд ёшидаги аёллар, ўсмир қизларнинг соғлиги шифокорлар назоратига олинган. Турмуш мажмуасида «Ёш оналар» мактаби ташкил этилган бўлиб, машғулотларда юздан зиёд аёллар қатнашяпти.

Шошлинки тиббий ёрдам маркази фаолиятдан беморлар мамнун. Бу ерда даволаниб чиққан Озод Отанов, Шакар Атабоева, Нигора Атамвалар билан суҳбатлашганимизда, шифокорларга ўз миннатдорчиликларини изхор этдилар.

Расул БОЛТАЕВ,
Тўртқўл туманидаги Шўраҳон овул врачлик пункти ҳакими

ИШ ўРИНЛАРИ ЯРМАРКАСИ

Фаргона — шаҳри ҳокимлигининг меҳнат аҳолини иш билан таъминлаш ва ижтимоий муҳофазани қилиш бўлими бўш иш ўринлари учун навбатдаги меҳнат ярмаркасини ўтказди.

Унда 42 та қорхона ва ташкилот бир минг олти мишта бўш иш ўрни билан иштирок этди. Ярмаркада қатнашган фуқаролардан 412 киши иш жойларидаги шарт-шароитлар билан яқиндан танишиб, зарур маълумот ва масlahатларни олди. 75 киши ишга жойлашди.

«Феркон», «Қабул-Фаргона КолТД» кўшма қорхоналари, Республика шошлинки тиббий ёрдам илмий маркази виллоят филиали, 3-шифоҳона, ўрта махсус, касб-ҳунар таълим хуҳудий бошқармаси ярмаркада фаол қатнашди.



ХИРМОН ДОНГА ТўЛМОҚДА

Учқўприк туманидаги «Солижон ота Усмонов» номидаги фермер ҳўжалиги раҳбари Мўминжон Усмоновнинг сўзига кўра, мавсумда 16 гектар майдонда фермер уйган хирмон 110 тоннадан ошиб кетди.



Етиштирилган ҳосилнинг 51 тоннаси шартномага кўра давлат оморларига топширилди. Қолганини эса фермер ҳўжалиги ишчи-хизматчилари меҳнатлари, имкониётларига яраша тақсимлаш борасида ўзаро келишиб олинди. Туманда гектарлардан мўл ҳосил етиштирган фермер ҳўжаликлари бу йил ҳар қачонгидан кўра кўпайиб бормоқда. Ерга, мулкка бўлган муносабатларини ўзгартирган ер эгалари эндиликда «Бўлса-бўлар, бўлмаса гўвлаб кетар» қабилади иш туттирмади.

Ниҳоллар мавжуд агротехника талаблари асосида парваришлангани ўримнинг илк кунидек ўз самарасини бермоқда. Айни кунда биргина Ш.Отажонов номидаги масъулияти чекланган жамият ўрамидида «Насибхон Азимова» фермер ҳўжалиги гектардан 70 центнердан, «АСН-Номбой ота» фермер ҳўжалиги 71 центнердан, «Ақром ота Содиқов» номидаги фермер галлакорлари эса 65 центнердан ошириб хирмон кўтаришди.

Худудимизда 58 та галлачиликка иктисослашган фермер ҳўжаликлари бор, — дейди Ш.Отажонов. Номида масъулияти чекланган жамият раҳбари Қомижон Жўраев. — Айни кунда фермерларга битта «Кейс» ва 2 та Россия комбайнлари ўрим ишларида амалий ёрдам бермоқда. Ҳазиргача 709 гектар галла майдонларининг 300 гектаридан ортиғи ўриб бўлинди. Дастлабки ҳисоб-хисобларимизга кўра ўртача ҳосилдорлик 60 центнердан юқорини ташкил этмоқда.

Суратда: хайдовчи Холдарали Уринов

Ш.ОЛИМОВ
(ЎЗА) олган суратлар

Тармоқ касба уюшма ташкилотларида

Мамлакатимизда фуқаролик жамияти шаклланаётган бир пайтда жамоа ташкилотларининг ўрни ва таъсирчанлиги алоҳида аҳамият касб этди. Ана шундай ташкилотлардан бири касба уюшмаларидир.

Ўзбекистон Маданият ҳодимлари касба уюшма Марказий кенгаши тасарруфида маданий-маърифий, оммавий ахборот воситалари, санъат муассасалари, шунингдек 5 та олий ўқув юрталари, 17 та коллежларда бошланғич ташкилотлари тузилган. Барча бошланғич касба уюшма ташкилотлари томонидан меҳнаткашларнинг унумли ишлашлари учун қўлай шароит яратишиб, маданий-маърифий, спорт ва соғломлаштириш ишлари олиб борилмоқда.

Утган йилда қорхона ва ташкилотларда 1012 та жамоа шартномалари имзолашиб, 75 минг нафардан ортиқ киши қамраб олинди. Ҳар бир ҳодимга сарфланган маблағ 91 минг 700 сўмга етди.

Кенгаш кўп йиллардан буён Маданият ва Спорт ишлари вазирлиги, Матбуот ва ахборот агентлиги, «Ўзбектуризм» миллий компанияси ва қатор маданий-маърифий муассасалар билан тармоқ битимлари ҳамда келишувларини имзолаб келади. Уларда меҳнат шароитини яхшилаш, оналик ҳуқуқини ҳимоя қилиш, кўп болали, кам таъминланган оилаларга имтиёзлар яратиш, ногиронлар ва фахрийларга маънавий-моддий ёрдам кўрсатиш каби муҳим вазифалар қайд этилади. Утган даврда ана шундай оилаларга жами 26 миллион 600 минг сўм миқдорда моддий ёрдам

ЖАМОА ШАРТНОМАСИГА МУНОСАБАТ ШУМИ?

Томонидан ишчи-ҳодимлар ва уларнинг фарзандларини соғломлаштиришга жиддий эътибор қаратилмоқда. Хусусан, ўтган давр ичидан 263 нафар кам таъминланган, кўп болали, ногирон фарзандлари бор оилалар, иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва байналмилал жангчиларга 2 миллион 403 минг сўм тиббий ёрдам кўрсатилди. Касба уюшма вакилликлари қорхона ва ташкилотларда "Саломатлик туман бўлими", "Соғлом турмуш тарзи" - келажак агар" мавзуларида суҳбат-кечалар,

собекалари ўтказиб келмоқда. Жумладан Андижон вилояти Марҳамат туман ҳокимлиги маданият ва спорт бўлими, хотин-қизлар кўмитаси, «Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ҳамкорлигида хотин-қизлар спартакиадаси ўтказилди. Сихат-саломатлик йили дастурлари асосида ўтказилган ушбу спартакиадада турли соҳаларда меҳнат қилаётган 150 нафардан ортиқ хотин-қизлар иштирок этдилар. Улар спортнинг волейбол, теннис, шахмат-шахка турлари бўйича шахсий ва жамоа биринчилиги учун беллашдилар. Стол тенниси мусобақасида М. Ҳайдарова, шахматда З. Қорабоева, шахкада Х. Сайдалиева, теннис атлетикасида Г. Аблякимовалар гўлиб чиқдилар ва касба уюшма виллоят вакилликнинг махсус совғаларини қўлга киритдилар.

Андижон санъат коллежида бўлиб ўтган маданий ҳодимлари спартакиадасида эса хотин-қизларнинг спорт соҳасидаги маҳоратлари яна бир бор намойиш этилди. Унда иштирок этган 50 дан зиёд талаба-қизлар орасидан Турғул Қоратоева, Раҳимхон Нарзиёва, Муҳаррамон Ваҳобжоновалар биринчилигини қўлга киритдилар.

Навий, Самарқанд, Сурхондарё вилоятлари касба уюшма вакилликларида аёллар ўртасида спорт гимнастикаси машғулотларини жорий этиш янги йўлга қўйилган.

Р.ЖўРАҚУЛОВА,
«Ишонч» мухбири

Таққос

Моддий рағбатлантирилди.

Лекин виллоятнинг барча касба уюшма ташкилотлари ҳам ишчи-хизматчиларга бундай гамхўрлик кўрсатмапти. Масалан, Қоразм троллейбус бошқармасида касба уюшма кўмитасининг 61 нафар аъзоси фаолият кўрсатади. Жамоада ижтимоий, иқтисодий, ҳуқуқий ҳимоя талаб даражасида эмас. Иш ҳақлари вақтида берилмайди. Меҳнаткашларни дам олдирди, соғломлаштириш қоникарисиз аҳволда. Санаторий-профилактикаларга бирорта ишчи учун йўлланма олинмаганини нима билан изоҳлаш мумкин? Жамоа шартномаси номигагина тузилган. Томонлар зиммасидаги мажбуриятларга аниқлик киритилмаган. Меҳнат таътили жадалви йўқ. Тўққизта троллейбус ҳаракат қилаётган йўналишларда графикка риоя қилинмайди.

Урганч қурилиш материаллари заводи ҳиссодорлик жамияти касба уюшма кўмитасига олий маълумотли иқтисодчи О.Отанов раҳбарлик қилади. Маъмурият билан тузилган жамоа шартномасида ўтган йили ижтимоий муҳофазига 600 минг сўм ажратилган бўлса-да, бунинг ҳам 180 минг сўми берилган. Заводнинг маъмурий биноси соҳона безатилган. Аммо бу ерда касбақўм, маънавият ва маърифат хоналари, спорт зали йўқ. Қорхонада меҳнаткашларни дам олдирди ва соғломлаштиришга етарли эътибор берилмапти. Утган йил давомида бирорта ишчининг боласи оромгоҳга, ўзлари сихаттоҳга юборилмаган. Завод фахрийларини ижтимоий муҳофазаси ҳам қоникарли эмас. Қорхонанинг ноқулай, чангли цехида 20 йил ишлаб, ногиронлик нафақасига чиққан Б.Вафоева ва Р.Жуманиёзовлар мана бир йилдики, тоvon пулларини оломай, сарсон бўлиб юрибдилар.

Э.ЭКИНОВ

КАЛЕНДАР ЙИЛИ БИЛАН ИШ ЙИЛИ ҲАҚИДАГИ ФАРК

Календар йилини 1 январдан 31 декабргача бўлган давр деб тушунақ, шунинг билан иш йили деганда...

Мехнат таътилининг давомийлигини ҳисоблаб чиқишда умумий дам олиш кунлари, яъни яқшанба ва байрам кунларини чиқариб ташланади.

ХОДИМ БИР НЕЧА ЙИЛЛАБ МЕХНАТ ТАЪТИЛДАН ФОЙДАЛАНМАГАН ТАҚДИРДА

Амалиётда шундай ҳолатларни учратиш мумкин, ҳодим ҳатто 4-5 йиллаб ўз меҳнат таътилидан фойдаланмайдиган бўлиши мумкин...

Айрим иш бошқарувчилар «Ўтиб кетган бир неча йиллик меҳнат таътиллари куйиб кетади» деган фикрда бўлишади.

Умуман, йиллик меҳнат таътиллари бериш навабати календар йили бошлангунга қадар ҳар бир корхонада иш берувчи томонидан яъни шу корхонанинг раҳбари томонидан...

Корхонада қайд этилган ҳақда тасдиқлангандан кейин у - локал меъёрий ҳужжат ҳисобланади ва унга амал қилиш эса, ҳодимнинг ҳам, иш берувчининг ҳам бурчи ҳисобланади.


МЕХНАТ ТАЪТИЛИ

лаб белгилашни иш берувчи ўзи ҳал қилиш ҳуқуқига эга. Аммо мартнинг қайси кунидан берилишидан қатъий назар...

тиёзлари бўйича уларга тенглаштирилган шахсларга; - ўн нафарга ёшга тўлмаган шахсларга;

таътилга тўғри келиб қолганда; - давлат ёки жамоат вазифаларини бажараётганда, башарти қонунлар ва меъёрий ҳужжатларда бундай вазифаларни бажариш учун ҳодимни ишдан озод этиш назарда тутилган бўлса.

«ИШОНЧ» ҲУҚУҚИЙ МАСЛАҲАТХОНАСИ



«Ишонч» ҳуқуқий маслаҳатхонаси - деб буйруқни инкор этиш ҳуқуқига эга эмас. Бу эса шу тартибда иш берувчи ҳодимни мажбурлаб бўлса ҳам таътилга чиқаришга ҳақли эканлигини билдиради.

лик таътил уларнинг хоҳишларига биноан хотинларнинг ҳомиладорлик ва туғиш таътили даврида берилади.

бита ёки ундан ортиқ болани (ўн олти ёшга тўлмаган ногирон болани) тарбиялаётган ёлғиз ота, ёки онага, бава эрткалар, бева аёллар, никоҳдан ажрашганлар, ёлғиз оналарга ва муқаддатли ҳарбий хизматини ўтаётган ҳарбий хизматчиларнинг хотинларига;

Агар ҳодим белгиланган муддатда таътилни бошлангун вақти хабардор қилинмаган ёки унга таътил бошлангунга қадар таътил вақти учун тўланмаган бўлса, бу меҳнат таътили ҳодимнинг аризага мувофиқ бошқа вақтга кўчирилади.

ОВҚАТЛАНИШ МАДАНИЯТИ УНГА ҚАЙ ДАРАЖАДА АМАЛ ҚИЛАМИЗ

Аҳоли саломатлигини мустаҳкамлашда тиббий маданиятни ошириш беқисс аҳамиятга эга.

Маълумки, кўплаб касалликлар бетартиб овқатланиш, таомларни истеъмол қилишда меъёрга риоя этилмаслиги оқибатида келиб чиқади.

Тўғри овқатланиш деганда, мазали ва яхши кўрган таомларни ортиқча истеъмол қилишни назарда тутмади. Бинобарин, сурункали касалликлар, шу жумладан, қандли диабет, юрак ишемик хасталиги, миёга қон қуйилиши, рақнинг бериш неча формаларининг келиб чиқишида кўп овқатланиш, семизлик асосий омил ҳисобланади.



Тиббиётда «рационал овқатланиш» деган тушунча кўп қўлланади. Бу ҳар бир киши ўз организмни талаб этган витаминларга бой егуликларни онгли тарзда истеъмол қилиши ҳамда овқатланиш меъёри ва тартибига қатъий риоя этилишини англатади.

Инсоннинг соғлом яшаш учун овқатланиш қоидаларига амал қилиш нақадар фойдали эканлигини англатишида бу тартиб менга кўп нарсани берди. Бу саломатлик ҳар бир инсоннинг ўз қўлида бўлишини англатади.

Т. ШЕРНАЕВ, «Ишонч» мухбири



Қўқон шаҳар халқ таълими бўлимига қарашли «Коинот» болалар дам олиш масканининг довури атроф туманларга ҳам кенг тарқалган. Чунки бу ерда болаларнинг мириқиб дам олишлари учун барча қулайликлар мўҳайё.

Республикамизнинг соя-салқин ҳамда ҳушманзара масканларида жойлашган ёзги соғломлаштириш оромгоҳлари ўз эгаларини бағрига олади.

Ушбу ўта муҳим тадбирни намунали ўтказиш учун жойларда катта маъсулият билан ёндошилди.

Соғломлаштириш мавсумига республикамиздаги ҳар бир ташкилот - Ўзбекистон қасаба уюшмалари, «Қамолот», «Соғлом авлод учун», «Нуроний», «Маҳалла», «Хотин қизлар қўмитаси» баҳам-жихатликда ўз хиссаларини қўшадиган бўлишди.

Жиззах давлат педагогика институтини қўшидаги «Бобур» номи оромгоҳ ҳам 100 нафар болаларни қабул қилиб олди. Бу ерда барча шaroит мўҳайё. Футбол ва волейбол майдончалари, стол тенниси, сузиш ҳавзаси, шахмат-шашка ва рақс тўғрақлари ишлаб турибди.

Халқимизда «Ҳоҳлаган имконият кидиради» деган нақл бор. Дарҳақиқат, шундай ташкилотлар борки,

Ўзги соғломлаштириш

шалола» болалар оромгоҳи ҳам мавсумга пухта шайлаб қўйилганди. Мавсумнинг биринчи босқичида 160 нафар ўқувчи бу ерда ёзги таътилни ўтказишяпти.

ИЗЛАГАН ИМКОНИЯТ ТОПДИ

«Шуртангазким» корхонасининг «Лочин», «Жўрқўрғоннефт» хиссдорлик ишлаб чиқариш бирлашмасининг «Нефтич» болалар ёзги соғломлаштириш оромгоҳлари ҳақида шундай илқ гапларни айтиш мумкин.

Карли китоблар ва бошқа эрдик совғалари топширилди. Учрашув нихосида вилоят марказининг маданият саройи қўшидаги «Қўғирчоқ театри» томонидан тайёрланган «Афандининг саргузаштлари» деб номланган сахна театри намойиш этилди.

«КОИНОТ» ОРОМГОҲИДА

болалар спортга алоҳида эътибор

Қўқон шаҳар халқ таълими бўлимига қарашли «Коинот» болалар дам олиш масканининг довури атроф туманларга ҳам кенг тарқалган.

Барча орзулаган боғ

Ёзги таътил давом этаётган шу кунларда Қашқадарё вилояти ҳудудидagi оромгоҳлар ва истироҳат боғлари болалар билан гавжум.

ИЗЛАГАН ИМКОНИЯТ ТОПДИ

«Шуртангазким» корхонасининг «Лочин», «Жўрқўрғоннефт» хиссдорлик ишлаб чиқариш бирлашмасининг «Нефтич» болалар ёзги соғломлаштириш оромгоҳлари ҳақида шундай илқ гапларни айтиш мумкин.

Карли китоблар ва бошқа эрдик совғалари топширилди. Учрашув нихосида вилоят марказининг маданият саройи қўшидаги «Қўғирчоқ театри» томонидан тайёрланган «Афандининг саргузаштлари» деб номланган сахна театри намойиш этилди.

«КОИНОТ» ОРОМГОҲИДА

болалар спортга алоҳида эътибор

Қўқон шаҳар халқ таълими бўлимига қарашли «Коинот» болалар дам олиш масканининг довури атроф туманларга ҳам кенг тарқалган.

рувчига ёзма равишда ариза билан мурожаат қилиши шарт. Иш берувчи эса ҳодимнинг бу талабини қаноатлантириш маслиҳати мумкин эмас.

дейлик таътилни умумий давомийлиги 24 иш кунидан иборат, ҳодим эса унинг бир қисмидан фойдаланмоқчи. Бундай шарoитда ҳодим 24 куннинг 12 кунидан тўла фойдаланиши шарт. Негаки, ана шу 12 қисмларга бўлинмайди. Қолган 12 кун эса ҳоҳлаганча қисмларга бўлиши мумкин.

Тўғри, таътилдан бундай тартибда фойдаланиш баъзи ўринда иш берувчи учун ноқулай вазият келтириб чиқариши мумкин. Бироқ, нима бўлганда ҳам, бу ҳодимга қонун томонидан берилган ҳуқуқдир.

берилиши лозим. - Юқорида қайд этиб ўтганимиздек, агар ҳодим рози бўлса, таътил даврининг хоҳлаган кунида ишга қақариб олиниши мумкин.

Қоидага биноан таътилдан қақариб олинган ҳодим таътил даврида олган иш ҳақидан фойдаланмай қолган кунларининг пулини шу корхона газнасига қайтариб бериши керак. Шундан кейин, ҳодим ҳақиқатда ишлаган кунларига таътил давридаги ҳақ олади ва пировардида фойдаланилмаган таътил кунларига иш ҳақи ҳисобидан ҳақ берилади.

Қақариб олинганда кейин ҳақиқий ишлаган кунлари учун иш ҳақи олади-да, ана шу фойдаланилмаган таътил кунлари кейинчалик ҳақ тўланмасдан «отгул» (қўшимча) ишлаган кун учун дам олиш) сифатида берилади.

«Семурғ Ғай» МЧЖ томонидан Наманган вилояти, Тўрақўрғон тумани, Октоб кишлоғида жойлашган «Тўрақўрғон-Дехқонмаштаъбино» оқик акциядорлик жамиятининг 10000 дина, яъни 55,76 фoиз оқдик, эгаси Ғайилган, нақдсиз акцияларини сотиб олиш истағи борлигини маълум қилади.

Она юртга садоқат, жасурлик ва мардлик армия сафарларида хизмат бурчини ўтаётган хар бир офицер ва аскарларга хос фазилат.

Куролли кучларимизда етук ва соғлом ўғлонлар хизмат қилиб, жанговар ва сиёсий тайёргарликда муваффақиятларга эришмоқда. Билганимиз муктадас Шухратнинг харбий хизматда жўнатар экан, ўгли ва дўстларига қарата:

ЎЛСАМ АЙРИЛМАСМАН ҚУЧОҚЛАРИНГ ДАН

Фарзандларим, муқаддас юртимиз сарҳадларини кўз қорачиқидек асраб-авайланг. Ота-оналарингизнинг юзини ерга қаратманг. Ой бориб, омон келинг, деб оқ йўл тиланган эди.

Харбий хизмат - ҳаёт мактаби. Қисқа муддатда кўп воқеалари бошдан кечирасан. Билганимиз кўч, қадамдан ўт чақнайдиган барқамол авлод ва киллари доимо фахрийлардан ўрнак олишади. Қисмга ҳозир:

Кисмда аскарларнинг яшашлари, машғулотлар билан шугулланишлари ва бўш вақтлари мароқли ўтказишлари учун барча қўлайликлар яратилган. Замонавий компьютер хоналари, кутубхона, спорт ва дала-маш майдонлари харбий хизматчилар ихтиёрий. Жанговар ва маънавий тайёргарликда юқори кўрсаткичларга эришган офицер ва аскарлар рағбатлантириб борилади.

ДОСТОНЛАР - ОДОБНОМА ДАРСЛИГИ

Кейинги йилларда «Насад» нашриёти бир неча қизиқарли тўпламларни ўз муҳлисларига тақдим этди. «Достонлар - одобнома дарслиги» деб номланган китоб эса китобхоналар қўлига етиб борди.

ЎШ МЕЪМОРЛАР ЛОЙИХАСИ

Бугунги кунда республикамиз пойтахтида кенг қўламада бунёдкорлик ишлари олиб борилаётганда. Гўзал Тошкентни янада обод ва сўлим шаҳарга айлантиришга ҳам эътибор қаратилмоқда.

2005 йил - Сихат-саломатлик йили

Барча соҳаларда бўлгани каби, Бойсун туманида ҳам соғлиқни сақлаш тизимида туб ўзгаришлар амалга оширилди.

Айниқса оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, она ва бола соғлигини мустаҳкамлаш, репродуктив саломатлиқни яхшилаш ва оилада турмуш тарзини соғломлаштириш бўйича бир қанча лойиҳалар ишлаб чиқилиб, кенг тарғиб этилмоқда.



Бунёдкорлик халқимизга хос азалий фазилат саналади. Арслар оша яшаб келаётган обидлар бунинг яққол исботи.

Талаба ёшлари ҳаётимизда юз бераётган турли янгиликлар, халқ ҳўжалигига амалга оширилатган иншоотлар натижалари билан хабардор қилиб боришни турмушнинг ўзи тақозо этмоқда.

Информация о существенных фактах ОАО «TOSHKENT SHAHAR YO'L QURILISH VA TA'MIRLASH TRESTI»

Порядковый номер сообщения - 10. Изменения в персональном составе должностных лиц. Орган управления эмитента, в котором произошли изменения - Наблюдательный совет. Член Наблюдательного совета полномочия которого прекращены:

ISHONCH МУАССИС: Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси. Бош муҳаррир Мирғиёс ҚАЮМОВ. Тахрир хайвати: Эркин Воҳидов, Сайёра Рашидова, Жориа Алимхўжаева, Маъмина Одилова, Махмуджон Расулов, Элёр Ёқубов, Зайниддин Рихсиев (бош муҳаррир биринчи ўринбосари), Виктор Зверев (бош муҳаррир ўринбосари «Ишонч-Доверие»), Мирзохид Содиқов, Шамсиддин Эсонбоев, Қудратилла Рафиқов, Мирфозил Олимов.

БЕЛЛАШУВЛАР МУРОСАСИЗ ЎТДИ

Жиззах Олимпия захиралари коллежиде кураш бўйича эркалар ва хотин-қизлар ўртасида мамлакат чемпионати баҳслари якунланди. Унда 300 нафарга яқин спортчи голиблик учун куч синашди.

Қизиқарли ва шиддатли кечган баҳсларда эркалардан Самарқанд вилояти вакиллари - Фурқат Маматов, Икром Нуриллаев, пойтахтлик Ҳикмат Куртов, Шухрат Муродов, сурхондарёлик Сухроб Дўстов, Равшан Махмудов ҳамда қашқадарёлик Баҳоидор Чориев ўз ваэн тоифасида барча рақибларини мағлубиятга учратиб, Ўзбекистон чемпиони деган шарафли номга сазовор бўлди.

СЕВИМЛИ МАСКАН

Вилоят кутубхонасининг болалар бўлимига жиҳозлар ва янги китоблар сотиб олиш учун 2 миллион сўм маблаг ажратилди. Республика болалар кутубхонаси томонидан китоблар совға қилинди. Эндиликда вилоят кутубхонаси макомини олган мазкур муассасанинг китоб фонди қарийб 17 мингга етди.



Бунёдкорлик халқимизга хос азалий фазилат саналади. Арслар оша яшаб келаётган обидлар бунинг яққол исботи. Истиклол шарофати билан ўлмиш меъморларимиз мероси қадр топди. Тарихий осори атиқаларга қайта эътибор қаратиш билан бирга кўпга бино ва иншоотлар барпо этилмоқда.

Яхшидир ачиқ ҳақиқат

нитария ва эпидемиология маркази бошлиғи Б.Норма-товга мурожаат қилдик. Шўҳар худудида кун-нига 120-130 тонна ахлат ва чиқиндилар пайдо бўлади. Ёз мавсумида эса бу рақам янада кўпайди. Уларни чиқариб, зарарсизлантириш зиммасига юлганган шаҳар санитария-тозалаш масўэлияти чекланган жамият ҳозирда ночор аҳволда.

Буюк аждодларимиз САККОКИЙ

Сақкокий - XV аср ўзбек адабиёти-нинг забардаст намояндларидан. Етиб келган бир қисм шўэрлари ҳам унинг шoirлик салоҳияти нечоғлик баланд бўлганлигидан далолат беради.

Сақкокийнинг таржimai ҳоли ҳақида етарли маълумот сақланган қолмаган. Девони тўлиқ етиб келмаганидан ҳаётининг баъзи нуқталарини шўэрлари орқали ойдинлаштириш имкони ҳам йўқ. Алишер Навоий «Махолис ул-нафоис» асариде шoir ҳақида: «Мавлоно Сақкокий - Моварошнахрдиндур. Самарқанд аҳли анга кўп муътадди (ихлосли - Э. О.) дурлар ва бағоят таърифин қилурлар», - деб маълумот берса, Яқиний «Ўқ ва ёй» мунозарасида уни «турк шoirларининг муътадди (гайратлиси - Э. О. дур», - деб таърифлайди.

Сақкокийнинг таржimai ҳоли ҳақида етарли маълумот сақланган қолмаган. Девони тўлиқ етиб келмаганидан ҳаётининг баъзи нуқталарини шўэрлари орқали ойдинлаштириш имкони ҳам йўқ. Алишер Навоий «Махолис ул-нафоис» асариде шoir ҳақида: «Мавлоно Сақкокий - Моварошнахрдиндур. Самарқанд аҳли анга кўп муътадди (ихлосли - Э. О.) дурлар ва бағоят таърифин қилурлар», - деб маълумот берса, Яқиний «Ўқ ва ёй» мунозарасида уни «турк шoirларининг муътадди (гайратлиси - Э. О. дур», - деб таърифлайди.

Буюк мунажжим ва йирки давлат ар-боби бўлган Мирзо Улўбек ўзи олим подшоҳига бўлиб қолмай, илму фан, адабиёт ва санъат аҳлига фамхўрлик қилиб, моддий ва маънавий жиҳатдан уларни ҳамиша кўллаб-қувватлаб келган. Сақкокий ижоди айнан шу даврда (1409-1449) гуллаб-яшнаган. Улўбекка бағиш-тидир. Бу қасидаларда ўз хомийсини кўқларга кўтариб мактайдй, у билан замондош эканлигидан ифтихор ҳисларини туйади, уни Нўширавони одил деб улғу-лабгина қолмай, ҳатто Сулаймон, Мусо каби пайгамбарларга нисбат беради».

Буюк мунажжим ва йирки давлат ар-боби бўлган Мирзо Улўбек ўзи олим подшоҳига бўлиб қолмай, илму фан, адабиёт ва санъат аҳлига фамхўрлик қилиб, моддий ва маънавий жиҳатдан уларни ҳамиша кўллаб-қувватлаб келган. Сақкокий ижоди айнан шу даврда (1409-1449) гуллаб-яшнаган. Улўбекка бағиш-тидир. Бу қасидаларда ўз хомийсини кўқларга кўтариб мактайдй, у билан замондош эканлигидан ифтихор ҳисларини туйади, уни Нўширавони одил деб улғу-лабгина қолмай, ҳатто Сулаймон, Мусо каби пайгамбарларга нисбат беради».

ЭККАНИМИЗ ЭМАС, КЎҚАРТИРГАННИМИЗ ҲИСОБ

ғиб ётишидан нолишиди. - Энг ёмони, - дейишди улар, - уйимиз ертўласидан сув арчимизга тегиб кетди. Арзимизни ширкат ва маҳалла бошлиқларига айта-вериб чарчадик. Қўшини 14-уй ертўласи-дамиз шу аҳвол. - Заҳдан, ҳашоратлардан бозор бўлдиқ, - дейди шу уйда яшовчи Р.Авезметова. Б.Отажонов раислик қила-ётган 12-маҳаллага борганимизда Абай кўчасида қурилишлар кўплгидан ширкат бошлиғи Ж.Султо-новнинг ўзи бош бўлиб, чиқиндиларга ўт қўйдириб турган экан. Шу уйда яшовчи С.Каримова ва М.Жуманиё-влар ахлатлар вақтида олиб кетилмасдан ёз-у, қиш биж-